



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

5 ЖИЛД, 12 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 5, НОМЕР 12

LOOK TO THE PAST

VOLUME 5, ISSUE 12



ТОШКЕНТ-2022

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариши давлат университети

Махкамova Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербургда Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алнева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Сайнова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети


Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
Тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Ўзбекистон жаҳон
тиллари университети


1. Ольга Кобзева, Нодирабегим Ваисова ЎРТА АСРЛАРДА ХИТОЙДА СУҒД МАДАНИЯТИ.....	4
2. Фуркат Бозоров БУГУНГИ КУН ЎЗБЕК ФИЛЬМЛАРИНИНГ ТАСВИРИЙ ЕЧИМИ.....	12
3. Муслима Базарова ПАРАЛИМПИАЧИ ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН СПОРТИ РИВОЖИДАГИ РОЛИ.....	16
4. Бахтиёр Болтабаев XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА САЙЛОВ ТИЗИМИДАГИ МУАММО ВА КАМЧИЛИКЛАР.....	23
5. Гулчехра Султанова СУРАТГА МУҲРЛАНГАН ТАРИХ: ХИВАЛИК УСТАЛАР.....	27
6. Холмамат Раупов МУРУНТОВ – ЖАҲОННИНГ НОЁБ ЖАВОҲИРИ.....	33
7. Саламат Сулайманов XX АСР БОШИДА АМУДАРЁ СУВ ЙЎЛИ ТАРИХИДАН.....	39
8. Ислом Қаршиев XVII-XVIII АСРЛАР МАРКАЗИЙ ОСИЁ МУТАФАККИРЛАРИ АСАРЛАРИДА ТАСАВВУФИЙ-ИРФОНИЙ ҒОЯЛАРНИНГ ГУМАНИСТИК МОҲИЯТИ (СЎФИ ОЛЛОЁР, ҲУВАЙДО АСАРЛАРИ АСОСИДА).....	46
9. Манзура Хасанова ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИНГ ТАРИХИЙ ВА МАДАНИЙ МЕРОСИ ТАРИХИЙ РЕТРОСПЕКТИВАДА.....	53
10. Бахромжон Хайназаров ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРЛИГИДА АҲОЛИНИНГ ЭТНИК КЛАССИФИКАЦИЯСИ ТАРИХИДАН.....	60
11. Нодира Раджабова “МАВРИГИ”ЛАР БУҲОРО ҚЎШИҚЧИЛИК САНЪАТИНИНГ НОДИР НАМУНАСИ СИФАТИДА.....	65
12. Юлдуз Холхужаева САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИНИНГ МИЛЛИЙ ТАРКИБИ РУС МАНБАЛАРИДА (XIX АСР II-ЯРМИ).....	73



Холмамат Раупов,
тарих фанлари номзоди, доцент
Навоий кон-металлургия комбинати,

МУРУНТОВ – ЖАҲОННИНГ НОЁБ ЖАВОҲИРИ

For citation: Xolmamat Raupov, MURUNTAU – THE PEARL OF THE WORLD. Look to the past. 2022, vol. 5, issue 12, pp.33-38

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7482933>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада мамлакатимиз ҳудуди қадимдан ўзининг қазилма бойликлари билан маълум ва машҳур бўлганлиги, XX аср ўрталарида Қизилқум саҳросида геологлар томонидан олиб борилган геологик кидирув ишлари натижасида “Мурунгов” олтин конининг топилиши, унда таниқли геолог олим Иброҳим Ҳамрабоевнинг ўрни, кон тарихи ва бугунги кунда олиб борилаётган кенг қўламли ишлар илмий таҳлил қилинган. Мақолада келтирилган маълумотлар “Аср мўъжизаси” номини олган “Мурунгов” конида олиб борилган геологик кидирув ва қазиш ишлари, унда олтин захираларининг кўплиги, маъдан қазиб олиш технологик шароитларининг қулайлиги, мустақиллик йилларида, айниқса, кейинги йилларда маъдан қазиб олиш ишларининг янги босқичга чиққанлиги унинг дунёдаги энг йирик олтин кони сифатида тан олинганлигини кўрсатади.

Калит сўзлар: Ўрта Осиё, Қизилқум саҳроси, қазилма бойликлар, олтин, кумуш, минералогия, геология, кон-металлургия, олтин конлари, “Мурунгов” кони, инвестицион лойиҳалар.

Холмамат Раупов,
кандидат исторический наук, доцент,
Навоийский горно-металлургический комбинат

МУРУНТАУ – ЖЕМЧУЖИНА МИРА

АННОТАЦИЯ

В данной статье научно проанализирован тот факт, что территория нашей страны известна своими полезными ископаемыми с древних времен, что в середине XX века в результате геологоразведочных работ, проведенных геологами в пустыне Кызылқум, был открыт золотой рудник «Мурунтау», и в этом большая заслуга известного геолога Ибрагима Хамрабоева, рассказывается об истории шахты и масштабных работ, проводимых на сегодняшний день.

Приведенная в статье информация показывает, что геологоразведочные работы и раскопки, проведенные на руднике «Мурунтау», названным «Чудом века», его большие запасы золота, удобство технологических условий добычи руды, а также тот факт, что добыча

руды вышла на новый этап за годы независимости, особенно в последующие годы, свидетельствует о том, что он является крупнейшим в мире золотым рудником.

Ключевые слова: Средняя Азия, пустыня Кызылкум, полезные ископаемые, золото, серебро, минералогия, геология, горно-металлургия, золотые месторождения, рудник «Мурунтау», инвестиционные проекты.

Xolmamat Raupov,
Candidate of Historical Sciences
Navoi Mining and Metallurgical Company,

MURUNTAU - THE PEARL OF THE WORLD

ABSTRACT

This article scientifically analyzes that the territory of our country has been known and famous for its minerals since ancient times, the discovery of the Muruntau gold deposit as a result of exploration work carried out by geologists in the Kyzylkum desert in the middle of the twentieth century, the role of the famous geologist Ibrahim Khamraboiev in this, the history of the deposit and a wide range of activities carried out here today. The information given in the article shows that the exploration and mining work carried out at the Muruntau mine, which was called the "Miracle of the Century", its large gold reserves, the convenience of technological conditions for ore mining, as well as the fact that ore mining has reached a new stage over the years of independence, especially in subsequent years, indicates that it is the world's largest gold mine.

Index Terms: Central Asia, Kyzylkum desert, minerals, gold, silver, mineralogy, geology, mining and metallurgy, gold deposits, Muruntau mine, investment projects.

1. Долзарблиги:

Ўзбекистон иктисодиёти тараккиёти ҳамда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ҳамда кон-металлургия саноатининг вужудга келишида олтин конларининг топилиши муҳим аҳамиятга эга эканлиги мавзунинг долзарблигини кўрсатади..

2. Методлар:

Ушбу мақола тарихийлик, илмийлик ва ҳудудий ёндошувлар сингари тарихий методлар асосида ёритилган бўлиб, унда “Мурунгов” олтин конининг топилиши ва унинг мамлакат иқсодиётидаги ўрни ва аҳамияти илмий ёритилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Мамлакатимиз олтин, кумуш, мис, уран, кўрғошин, рух, вольфрам, табиий газ ва бошқа фойдали қазилмалар захираси бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Геологларнинг олиб борган тадқиқотларига кўра, бу заминда машҳур Менделеев даврий системасининг деярли барча элементлари топилган. Жумладан, Ўзбекистон олтин захираси бўйича дунёда 2-ўринни, мис бўйича – 7, вольфрам бўйича – 8, кумуш бўйича – 9, уран бўйича 12-ўринни, табиий газ ишлаб чиқариш бўйича эса 16-ўринни эгаллайди. Айни пайтда Ўзбекистонда 2025 тадан ортиқ кон мавжуд [1]. Уларнинг ичида 97 та қимматбаҳо металллар (олтин ва кумуш), 12 та рангли ва нодир металллар, 38 та радиоактив металллар, 30 та қимматбаҳо тошлар каби конлар бор.

Қизилқум саҳросида жойлашган “Мурунгов” кони бугунги кунда дунёда энг кўп олтин казиб олинаётган кон сифатида тан олинган. Бу, унда меҳнат қилаётган ҳар бир кончига ифтихор ва ғурур туйғуси ҳиссини бериш билан уларни янги марраларни эгаллашга руҳлантирмоқда.

КЎҲНА ТАРИХ САҲИФАЛАРИДА...

Кўҳна тарихнинг Ўрта Осиёга таллуқли саҳифаларини варақлар эканмиз, бу ўлка заминида қимматбаҳо қазилма бойликлари кўп бўлганлигига гувоҳ бўламиз. Ўрта Осиё, хусусан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида олтин конлари ва улардан тайёрланган буюмлар ҳақидаги дастлабки маълумотлар антик давр тарихчилари Геродот ва Страбонларнинг асарларида учрайди. Геродот Орол денгизидан то Нуротагача чўзилган Қизилқум саҳроларида

яшаган кўчманчи массагет қабилалари тўғрисида “Улар отда ва пиёда юрадилар. Одатда, уларнинг қуроллари камон, найза ва жанговар ойболталардан иборат. Уларнинг ҳамма нарсалари олтин ва мисдан ишланган. Аммо, барча санчик, ўқ ва ҳарбий болталарининг металл қисми мисдан ишланган (бронзадан демоқчи), бош кийимлари, бел камари олтин билан нақшланган. Улар отларининг эгар-жабдуқларини ҳам уст-бошлари каби олтин билан безатадилар. Темир ва кумушдан ясалган буюмлар уларнинг рўзғорида ишлатилмайди, чунки бу металллар массагетларнинг ерларида умуман учрамайди. Аммо, уларда олтин ва мис жуда кўп” деб ёзади. Страбон эса “Уларнинг юртида кумуш мутлақо йўқ, темир ҳам, аммо мис ва олтин мўл,”-деб ёзганди[2].

Ўрта Осиё худудидаги олтин ва бошқа қазилма бойликлар олинадиган конлар тўғрисида комусий олим Абу Райҳон Берунийнинг “Қимматбаҳо жавохирлар ҳақида билимлар китоби” (“Минерология”) асари ўзининг илмий қиммати билан катта аҳамиятга эгадир. Улуғ аллома “Минерология”ни икки қисмга бўлиб, биринчи қисмида қимматбаҳо тошлар ва иккинчи қисмида металллар (филизитлар) тўғрисида батафсил маълумотларни келтиради.

Беруний ўша даврда олтин олишнинг турли усуллари тўғрисида ёзиб, жумладан, “...Жайхун дарёсида ҳам унинг сувидаги олтинни олишда шу усулдан фойдаланишади. Чунки бу ер дарёнинг манбаига яқин. Сув эса юқоридан тез оқим билан тушиб келади. Текисликка яқинлашганда сув ўз кучини йўқотиб, олтинни олдинга олиб кета олмайди. Натижада олтин чўқади. Уни кум ва лойқа билан дарё тубидан олиб чиқиб, ювиш йўли билан ажратиб оладилар, сўнгра эса босим ва олов ёрдамида уни симоб билан ғўлинлар ҳолатига келтирадилар” деган маълумотларни келтириб ўтган[3].

Тарихий маълумотларга кўра, Марказий Қизилқум ва Нурота тоғлари ҳамда Оҳангарон воҳаси қадимдан қазилма бойликларига бой худудлар бўлган. Бу конлардан қазиб олинган қазилма бойликлари ўз даврида аввало, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва халқ фаровонлиги таъминлашга хизмат қилган. Иккинчидан эса, халқимизнинг бебаҳо истеъдоди тўғрисида улар чинакам санъат асарларига айланган. Бунга кўхна тарих гувоҳ.

ЎЗБЕК ГЕОЛОГИЯ МАКТАБИНИНГ ЮТУҚЛАРИ

Ўтган асрнинг 50 йилларида Ўзбекистон Геология хизмати ходимлари академик Ҳ.М.Абдуллаев раҳбарлигида кенг қамровли тадқиқотлар бошладилар ва асосий эътиборни Ўзбекистоннинг ғарбий қисмига қаратдилар. Кейинги геологик изланишларда Қизилқум саҳроси ва Нурота тоғларида олтин конлари истиқболлари тасдиқланди.

Академик Ҳабиб Абдуллаев илмий мактабининг ёрқин намояндаларидан бири - машхур геолог олим Иброҳим Ҳамробоевнинг 1958 йилда чоп этилган “Ғарбий Ўзбекистонда магматизм ва постмагматизм жараёнлари” асари Ғарбий Ўзбекистонда олтин ва бир қатор қимматбаҳо металллар бўлган конларни аниқлашга асос бўлди[4].

Геологларнинг маълумотлари асосида Қизилқум саҳросини геологик ўрганиш учун катта маблағ ажратилиб, дала ишларига юқори малакали мутахассислар жалб этилди. Улар томонидан Томдитов тоғларининг жануби-шарқида геофизик ва геокимёвий усулларни кенг татбиқ этган ҳолда қидирув ишлари олиб борилди. Натижада, маъдан таркибида олтин миқдори юқори бўлган йирик “Мурунгов” кони аниқланди.

Иброҳим Ҳамробоев раҳбарлигидаги геологларнинг номи “Мурунгов” конини топган олим сифатида тарих зарварақларига муҳрланди. “Мурунгов” конини очганлиги учун Иброҳим Ҳамробоев раҳбарлигидаги бир гуруҳ геологлар 1969 йилда собиқ Иттифоқнинг давлат мукофоти билан тақдирланишди. Шунингдек, “Томдибулоқ” ва “Чормитан” олтин конларининг очилиши академик Иброҳим Ҳамробоев номи билан боғлиқ. “Чормитан” конини очганлиги учун унга “Коннинг илк кашфиётчиси” дипломи берилган[5].

Маълумки, Иброҳим Ҳамробоевнинг геология фани равнақида кўшган катта ҳиссаси учун янги топишган камёб минералга – “Khamrabaevit” номи берилди. Бутун умрини Марказий Осиё ва Ўзбекистон геологияси, ер ости конларини ўрганишга бағишлаган олим магматик жинсларнинг петрологияси ва геокимёси ечимлари, маъданларнинг пайдо бўлиши ва металлогенияси, ер пўсти чуқурлиги билан боғлиқ магматизм ва металлогения

масалаларининг ўзаро алоқадорлиги каби ниҳоятда долзарб муаммолар юзасидан серкирра изланишлар олиб бориб, улкан кашфиётларни амалга оширди.

“МУРУНТОВ” - ДУНЁНИНГ ЭНГ ЙИРИК КОНИ

Бугунги кунда ушбу улкан кон мамлакатимиз иқтисодиёти ривожда ўзининг катта ўрнига эга. Олтин захираларининг кўплиги, руда қазиб олиш технологик шароитларининг қулайлиги учун кон “Аср мўъжизаси” деб тан олинди. “Мурунтов” кони очилиши билан конда тоғ ва бурғилаш ишлари батафсил ўрганилди. Хусусан, чуқур ва ўта чуқур бўлиши қутилган конда олтиннинг умумий ҳажми, имкониятлари ва келажақда излаб топилиши бўйича кенг камровли ишлар амалга оширилди. 1965 йилдан 1969 йилгача бўлган қисқа вақт ичида кон саноат ишлаб чиқарилишига тайёрланди, юқори кучланишли электр узатиш линияси ва Амударё дарёсидан сув қувури тортилди. Рудани қазиб олиш, қайта ишлаш мажмуалари фойдаланишга топширилди ва очиқ кон қазииш ишлари бошланди. 1967 йилнинг 5 мартида “Мурунтов” конида биринчи портлатиш ишлари амалга оширилди.

“Мурунтов” конининг очилиши натижасида минглаб ишчилар, муҳандислар, олимлар ҳамда раҳбарларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли Қизилкум саҳросининг ўзлаштирилиши бошланди. 1964 йилда “Мурунтов” конида олтин қазиб чиқариш ва қайта ишлаш тармоғини яратиш, 1967 йилда 2-гидрометаллургия заводи қурилиши бошланди. Турли касб эгаларининг том маънода фидокорона меҳнатлари, саъй ҳаракатлари туфайли 1969 йил 21 июнь куни биринчи марта тозаланган соф олтин олишга эришилди. 1969 йил 21 июлда эса тарихий воқеа-биринчи марта “Мурунтов” конидан 11 килограмм 820 граммлик соф олтин ёмбиси олинди[6]. Қизилкум ҳудуди Ўзбекистоннинг йирик олтин ишлаб чиқариш ҳудудига айланди. 2-гидрометаллургия заводида 999.9 пробали соф олтин олинishi билан маълум ва машҳурдир.

“Мурунтов” олтин таркибли рудаларни қазиб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича дунёдаги энг йирик кон ҳисобланади. Канадада жойлашган халқаро “Kitco” компанияси экспертларининг хулосаларига кўра “Мурунтов” кони 2020 ва 2021 йилда олтин қазиб олиш бўйича жаҳондаги конлар рейтингда биринчи ўринни эгаллади[7]. Маълумотларга кўра, “Мурунтов” кони 1,8 млрд. тонна маъдан ҳамда 4,5 минг тонна олтин захирасига эга.

Комбинатда кейинги йилларда янги технологиялар, инновацион ечимлар ва лойиҳалар узлуксиз тарзда жорий этилиб, мавжуд қувватларни модернизация қилган ҳолда замон билан барабар қадам ташланмоқда. Барча йирик бўлинмаларда инновацион технологиялар хизматлари шакллантирилган. Комбинатда жорий этилган кўплаб илмий ишланмалар ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда.

Комбинат муҳандис ва мутахассисларининг машаққатли изланишлари натижасида “Мурунтов” конида жаҳонда ягона ва ноёб, 14 млн тонна маъданни 285 метр баландликка олиб чиқиш имконини берувчи, қиялик бурчаги 37 градус ва умумий узунлиги 1802 метр бўлган тик-қия конвейери (КНК-270) фойдаланишга топширилиши кон-металлургия тарихида оламшумул янгилик бўлди. Ушбу конвейернинг фойдаланишга топширилиши туфайли конда рудани транспортларда ташиш масофаси 4,5 километрга, кўтариш баландлигини эса 285 метрга қисқартиришга эришилди. Конвейернинг иқтисодий самараси жуда катта бўлмоқда.

Ҳозирги вақтда кондан йилига 52 миллион тоннадан ортиқ маъдан қазиб олинмоқда. “Мурунтов” кони бешинчи навбати бўйича олиб борилаётгана ишлар келгусида ундан 1000 метргача ва ундан ҳам чуқурроқдан олтин қазиб олиш имконини беради.

“Мурунтов” конининг узунлиги 4,3 км, эни 3,2 км ҳамда бугунги кундаги чуқурлиги 650 метрга яқинлиги ҳисобга олинса, қандай катта ҳажмда иш олиб борилишини тасаввур этиш мумкин. “Мурунтов” конидан шу вақтгача икки миллиард куб метрга яқин тоғ жинслари қазиб олинганлигининг ўзи унинг олтин қазиб олинадиган конлар ўртасидаги юқори ўрнини кўрсатиб турибди.

ЎЗБЕКИСТОН ОЛТИНИ ЮҚОРИ СИФАТ ЭТАЛОНИ

Ўзбекистон олтини юқори сифати билан халқаро миқёсда сифат эталонидир. Навоий кон-металлургия комбинатида ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли маҳсулот – олтин кўймаларга 1995 йилда Лондондаги Қимматбаҳо металлар биржаси Арбитраж лабораторияси

томонидан “Good Delivery” – “Оптимал етказиб бериш” мақоми берилган бўлса, 1998 йили Токио биржаси уни сифат эталони, деб эътироф этди. 2019 йилда эса комбинатга **Лондон олтин қўймалари бозори ассоциацияси (LBMA – London Bullion Market Association) томонидан бозор талабларига тўла риюя қилиш борасида навбатдаги тест синовларидан муваффақиятли ўтганлигини тасдиқловчи сертификат берилди**[8]. Ўзбекистон олтинининг бутун дунёда тан олингани мазкур соҳа вакилларининг юқори профессионал даражаси ва айнипайтда машаққатли ва фахрли меҳнатининг юксак эътирофидир.

Соф олтин, бу – умумлаштирилган тушунча бўлиб, юксак ишонч ва ишлаб чиқарувчилар масъулиятининг энг юқори даражаси ҳисобланади. Бу – энг замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналар, юксак меҳнат маданияти ва одамлар ўртасидаги чинакам муносабатлар рамзидир. 999.9 пробали олтин зар суви (азот кислотаси билан хлорид коришмаси) электролизи (электр токи ўтишида электролитга ботирилган электродларда рўй берадиган электро-кимёвий оксидлаш-қайтарилиш жараёнларининг мажмуи) йўли билан олинади. Олтин металлнинг бир тоннасида атиги 40–50 грамм микдорда ёт аралашмалар йиғиндиси бўлади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ИМКОНИАТЛАРИ

Янги Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги даврига қадам қўймоқда. Президентимиз ташаббуслари билан қабул қилинган Ўзбекистоннинг 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида, аввало, мамлакатимизда яқин келажакда амалга ошириладиган ислохотларнинг устувор йўналишлари қаторида кон-металлургия соҳасига катта вазифалар белгилаб берилди. Кончилар олдида эса катта довларни забт этишдек улуғ мақсадлар ҳамда шунга яраша марралар турибди.

Кейинги йилларда Юртбошимизнинг ташаббуси билан кон-металлургия соҳаси ўзининг янги ривожланиш босқичига қадам қўйди. Комбинатни ривожлантиришнинг 2026 йилгача мўлжалланган янги техника ва технологияларни жорий этиш бўйича қиймати 3,4 миллиард доллар бўлган 27 та йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда[9]. Комбинатда олиб борилаётган инвестицион лойиҳалар натижасида янги завод ва конлар фойдаланишга топширилмоқда. Жумладан, яқинда Навоий кон-металлургия комбинати томонидан Томди тумани ҳудудида янги конлар – “Балпантоғ” ва “Томдибулоқ” конларида қазилар ишлари бошланди. 40 миллион тоннадан ортиқ олтин таркибли маъдан захирасига эга мазкур конлардан қарийб 15 йил мобайнида йилига 3 миллион тоннадан олтинга бой маъдан қазиб олинади.

Ҳозирги кунда комбинат томонидан Нурота тумани ҳудудида “Пистали” кони негизида йилига 4 миллион тонна олтин маъданини қазиб олиш ва қайта ишлайдиган 6-гидрометаллургия заводи барпо этилмоқда. Шунингдек, яқин йилларда Қизилқум кенгликларидаги “Нукракон” ва “Косманачи” конларидан кумуш таркибли маъданларни қазиб олиш ва қайта ишлаш мажмуаси қурилиши бошланади.

4. Хулосалар:

Келтирилган маълумотлар “Мурунтоғ” конининг очилиши Қизилқум саҳросидаги мазкур конда маъдан қазиб олиш йил сайин ошириб борганлигини, кейинги йилларда Навоий кон-металлургия комбинатининг жамоаси мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида барча ички имкониятларини ишга солиб, зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш йўлида бор куч ва имкониятларини сафарбар этаётганлигини кўрсатади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Мирзиёев Ш.М. Инвесторлар учун қулай ва жозибадор шароит яратишга қаратилган амалий ишларимизни янада жадаллаштирамиз. Биринчи Тошкент халқаро инвестиция форумининг очилиш маросимидаги нутқ. www.president.uz (Sh. Mirziyoev. We will intensify our practical work aimed at creating comfortable and attractive conditions for

- investors. Speech at the opening ceremony of the first Tashkent International Investment Forum. www.president.uz)
2. Қадимги тарихчилар Ўрта Осиё ҳақида. Терма парчалар. Таржимон ва тузувчи Зоҳир Аълам. "YURIST-MEDIA MARKAZI", Тошкент: 2008. – 54 б. (Ancient historians about Central Asia. Thermal fragments. The translator and compiler is Zahir A'lam. "YURIST-MEDIA CENTER", Tashkent: 2008. - 54 p.)
 3. Абу Райҳон Беруний. Қимматбаҳо жавоҳирлар ҳақида билимлар китоби. Китобал-жамоҳир фи-маърифат ал-жавоҳир. Минералогия. Таржимон академик Азиз Қаюмов. Масъул муҳаррир - Қувондиқ Санакулов. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2017. – 203 б. (Abu Rayhan Beruni. Book of knowledge about precious jewels. Kitabal-jamohir fi-marifat al-javohir. Mineralogy. Academician Aziz Qayumov is the translator. Responsible editor - Kuvandik Sanakulov. - Tashkent: "National Encyclopedia of Uzbekistan" State Scientific Publishing House, 2017. - 203 p.)
 4. Санакулов Қ., Раупов Х., Хаитова О. Ўзбекистонда кон-металлургия тарихи. -Т.: “MASHHUR-PRESS”, 2019. – 5 б. (K. Sanakulov, X. Raupov, O. Khaitova. History of mining and metallurgy in Uzbekistan. - T.: "MASHHUR-PRESS", 2019. - 5 p.)
 5. Ойдинхон Бахтиёрзода. Иброҳим Ҳамробоев мактаби.// “Moziydan sado”, 2010 йил, 1-сон. – 31-32 б. (Aydinkhan Bakhtiyarzoda. Ibrahim Khamroboev school.// "Sound from Mozi", 2010, issue 1. - 31-32 p.)
 6. Навоий кон-металлургия комбинати мамлакат фахри. Тошкент, “Шарк”, 2011. – 20-21 б. (Navoi Mining and Metallurgical Company is the pride of the country. Tashkent, "Shark", 2011. - p. 20-21.)
 7. Vasov Vladimir. The world's top 10 largest gold mines in 2021 – report. www.kitco.com/news/2022-04-22/The-world-s-top-10-largest-gold-mines-in-2021-report.html (Владимир Басов. 2021 йилда дунёдаги энг йирик олтин конларининг Топ-10лиги. www.kitco.com/news/2022-04-22/The-world-s-top-10-largest-gold-mines-in-2021-report.html)
 8. Санакулов Қ. Янги истиқболлар сари -Тошкент: “MASHHUR-PRESS”, 2018. – 14 б. (K. Sanakulov. Towards new perspectives - Tashkent: "MASHHUR-PRESS", 2018. - 14 p.)
 9. Санакулов Қ., Раупов Х., Садриддинов Н. Янгиланаётган Ўзбекистон: Навоий кон-металлургия комбинатининг янги тарихи. -Т: “САННОФ”, 2021, -37 б. (K. Sanakulov, X. Raupov, N. Sadriddinov. Renewing Uzbekistan: the new history of Navoi Mining and Metallurgical Company. -T: "SANNOF", 2021, -37 p.)



Tadqiqot.uz

ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

5 ЖИЛД, 12 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 5, НОМЕР 12

LOOK TO THE PAST

VOLUME 5, ISSUE 12

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000